



Kuch — adolatda



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqqan boshlagan 2002 yil 13 dekabr juma № 51 (390) sotuvda erkin narxda

• Маҳалланинг ҳаётимиздаги маъкеи юксак, унинг қонуний ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустақкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кўчатиришса, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйламанки, бу ўз олдимишга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Ислом КАРИМОВ.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

12 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил қилди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича қўшимча маъруза учун Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовга сўз берилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида "Пахта-банк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси К.Тошматов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет катта театри етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижондаги "Маҳаллий саноат" ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси раиси М.Осупов, "Бухородон-маҳсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.


"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар лойиҳаларини парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исmoilов депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Маъқул масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.



Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунларнинг олий ҳокимият органларида халқ ҳуқуқи-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган маъқул қонун лойиҳалари турли катламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг маъқул механизминини яратиш, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлғуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси



Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси И.Гафуров, Олий Мажлисининг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, "В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖ бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, "Фонот" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров катнашди.

Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги тахрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қуриб чи-

қиш билан бошланди. Бу ҳақда Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов ахборот берди.

Янги тахрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қорақўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Мухаммадиев иштирок этди. Депутатлар янги тахрирдаги ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида "Андижон нашриёти" очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нўрмонов, "Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳоров, Фўзор тумани ҳокими Х.Бозоров, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов депутатлар эътиборига "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Маъқул ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи У.Охунов, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов иштирок этди. Олий Мажлис ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Маъқул ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳокими М.Қўчичев, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокоров, Қашаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Фофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

13 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

Муносабат

Агар огоҳсен шоҳсен сен, Агар шоҳсен огоҳсен сен

Даҳоларнинг мангулиги шундаки, инсоният учун абадий зарур гапни айтишлар ва кўп нарсалардан огоҳ эдилар. Ҳазратнинг бу гапни айтилганига беш асрдан ўтди. Аммо ҳар бир давр учун ҳушёрликка чордан ўтди. Аммо ҳар бир давр учун ҳушёрликка чордан ўтди. Аммо ҳар бир давр учун ҳушёрликка чордан ўтди. Аммо ҳар бир давр учун ҳушёрликка чордан ўтди.

Мамлакатимиз сўнгги юз ўттиз йил ичида кўплаган оғир ҳолатларни ўз бошидан кечирди. Лекин биз тарихни қанча яхши билсак, эртанги қадамни тўғри ташлаймиз, тарихий жараёнларнинг сабаб ва моҳиятини тўғри таҳлил қилсак, тарихий ғожеаларнинг олди олинади.

1999 йил 16 февралда Тошкентда бир гуруҳ террорчилар томонидан Вазирлар Маҳкамаси биноси олдида содир этилган портлатишлар туфайли қанча беғуноҳ одамлар қурбон бўлди, болалар етим, аёллар тул қолди. Қанчадан-қанча оналарнинг қалби ларзага келди. Огоҳлик ҳақида Президентимиз Ислом Каримов бутун дунёни сергак торттириш учун кўплаган чарилар қилган эди. Халқаро анжуманларда ҳам бу ҳақда жон куйдириб гапир-

лигини, давлатимиз мустақиллигини, ёшларимиз келажagini ҳамма нарсадан азиз биламиз. Истаганимиз - бирор инсон беҳуда қурбон бўлмасин, оналар фарзанд доғида қуймасин, болалар етим қолмасин, улар мустақил юртимизга муносиб ворислар бўлиб ўлғайсин. Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга обод бўлиб, гуллаб-яшнайсин. Эртанги кун учун курашсин, янги кашфиётлар яратиш, қўшма қорғонлар очиш, тadbirkorликка кенг йўл очиб бериш ва янги зафарлар маррасини забт этиш асосий асосимиз бўлсин. Зеро, бу ҳамма нарсалардан муҳимдир. Огоҳлик мана шунинг учун керак!

Жондан азиз фарзандларимизнинг ҳар тарафлама соғлом бўлиши, чет элларда ўқиб-тўқиб, янги техникани ўзлаштиришлари, у ердан қайтган юртимиз иқтисодини кўтариши, маънавиятини юксалтириши учун керак огоҳлик!

Орол - бутун дунёвий муаммага айланмоқда. Юртимиз экологиясини меъёрига келтириш учун хали кўп ишлар қилишимиз зарур. Буларнинг учун ҳам тинчлик ва осойишталик талаб қилинади. Бунинг учун ҳам огоҳлик зарур эмасми?

Боқий МИРЗО.

Маънавият

ХАЁ

Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор бундан 35 йил муқаддам "Уят" деб номланган машҳур мақоласини ёзиб ҳамюртларимизни ҳушёрликка, одоб-ахлоққа, маънавиятга бўлишга чақирган эди. Адибнинг уят туйғуси инсон одобидаги, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, аҳамияти ҳақида кўп йиллардан бундан кўп вақт ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган, десақ муволаға эмас. Демак, инсоннинг ҳаёти, одоби, ахлоқи, маънавияти, маданияти бўлиш - инсондаги юксак фазилатлардан ҳисобланади.

Кўча-қўйда, жамоатчилик жойларида ҳаёли, одоби, ахлоқи йитиб-қизиларин курсак ичимиздан қувонамиз, уларга ҳавас қиламиз, ота-донимизга, балли доғимизга келадим. Акси, таскарисиз бўлсачи? Бундай ҳолатга тушганимизда афсус, эҳшиқ, афсус унм, деб юборамиз. Биздаги қадимий шарқона қадриятлар, миллий анъаналар, эътиқодлар устиворлиги доимо ҳамма нарсадан устун турган.

Мустақиллик шарофати билан маънавий баркамоллик, инсон тарбиясини янада яхшилашга қаратилган Фармонлар, амалий саъй-ҳаракатлар чинакам инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасига айланмоқда. Ҳаё билан уйғунлашган маънавий баркамоллик туйғуси одамларни эзгулик кўчасига етаклайди.

Яқинда Сирдарё туманидаги бир гуруҳ меҳнат фaҳрийлари, турли касб эгалари республикамизнинг бир қатор қадимжолари бўлиб

саъхатга чиқдилар. Биз Бухоро шаҳрида дам олиш пайтлари Сирдарёлик фaҳрийлар билан давра суҳбати уюштириб, уларнинг ҳаё, ифбат, ҳушмуомалалик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдим.

Суҳбат мунозарани туман оксоқоллар Кенгаши "Маҳалла" жағмараси раиси Комилжон Бегимов бошлаб берди: - Ҳаё менимча, кишининг ор-номуси, бошқалар орасида ўзини тутат билиш одоби, Ҳаё инсонни ўз хатти-ҳаракатларини четдан кузатишга ундовчи куч. Бошқача айтганда, у ҳар бир кишининг ўз виждони олдида жавоб беришидир. Маданиятнинг одамнинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади. Мана, Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади. Мана, Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади.

Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади. Мана, Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади. Мана, Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади. Мана, Ҳаё инсоннинг ички ҳаётига таъсирини ўз ичига олади.

Ҳаё, ҳақида гапирганда инсон қалбидаги бошқа туйғуларни ҳам тилга олиш ўринлидир, - деди яна бир саъхатчи Муҳиддин Ҳожи Каримов. - Масалан тортинчоқлик, уялиш, ифбат, ор-номус, андишлик буларнинг бари маълум маънода ҳаёнинг қўрилишлари. Бозорларда бўлсангиз баъзи бир ҳаёсиз, маданиятсиз сотувчиларга дуч келиб қоласиз. Яна бир гап. Ёшларни ҳаёли, одоби, ахлоқи қилиб тарбиялашда матбуотнинг, радио, телевидениенинг ўрни ҳам салмоқлидир. Афсуски, баъзан қўнғилни хафа қилдиган фактлар ҳам мавжуд. Масалан, телевидениедаги баъзи бир суҳбатлар кишини маданиятнинг, миллийликни унутиб қўйишмоқда. Бу эса ёшлар тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳаё, ибo ҳам қадриятларимиздан келиб чиққан, - дея суҳбат мунозарани давом эттирди яна бир меҳнат фaҳрийси Абдулҳак Абдушохидов. - Ҳаё тўғрисида гапирганда қўшма бўлиб ифбат ва назорат қўзғиладиган келадим. "Сиз ушамиз? деган савол соф ўзбекона ибодат келиб чиққан. Бошқа бирор миллатда қиз ёки келин йигитга ёки кўйга шу қабилда муножаат қилмаса керак.

Абдулҳак ака яхши фикрларни билдирди, - дея гап бошлади фaҳрий педагог Музаффар Ҳожи Ҳакимов. Ҳаё - ботиний-руҳий ҳодиса сифатида инсон руҳий дунёсини поклаш билан бирга унинг тевақал-атрофдаги билан муносабатини яхшилашга хизмат қилади. Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни янада яхшилаш зарур. Кейинги пайтларда маънавиятга

бағишланган янги фанларнинг дарс жадвалига киритилганлиги яхши нарсас бўлди. Аммо бу янги фанлар билан келганиб қолмай тарбиянинг бошқа қирраларини ҳам қўчайтириш давр талабларидан берибдир.

Ҳаё инсонийлик қўрқин экан, жинсидан, лавозимидан амалидан қатъий назар ҳар қандай одамни қарама-қарши қўлади. Ҳаё - энг гузал инсоний туйғу, - дейишди улар ўз сўзларида.

Ҳаё, ҳаё туйғуси. Унинг сир-асрори, фалсафаси, шахсий ижтимоий ҳаётдаги ўрни одамларни доимо ўйлантириб келган ва шундай бўлади. Ҳаёли инсоннинг кўз олдида олам гузаллашадим, яшаш заъки ошади. Кишининг азиз муқаррам зотлигини таъминловчи беназир туйғу - ҳаё ҳақида кўп ва кўп гапирсин, ёзиш мумкин. Оллоҳ, ер юзидagi барча жонотлар орасида инсонни муътабар қилиб яратди унга ҳаё туйғусини ато этди.

Одам аввало ташқи киёфаси, юриш-туриши, гап-сўзлари билан бошқалардан ажралиб туради, уларлар назарига тушади. Лекин, бу эса юракларга таскин беради, қалбни қувонтиради. Наполеон кўнрақли, эркакларни мард ва жасур, аёл-қизларни ифбатли ва ҳаёли халқни ҳеч қим, ҳеч қандай куч енга олмайд.

Абдуразақ БУРЛИЕВ, журналист.

Шархловчи минбари

ТЕРРОРНИНГ СЎЗ ШАКЛИ

Бугунги кунда янги асрнинг дахшатларидан бири бўлиши терроризмга қандай муносабатда бўлмоқда? Масаланинг моҳияти ўта жиддийлигини Президентимиз Ислам Каримов ўз вақтида БМТ минбаридан туриб гапирган эдилар. Ўша пайтдаги чақирқиннинг нақадар долзарблигини кўпгина давлатлар раҳбарлари Америкадаги муҳим «11 сентябрь» воқеасидан кейингина тўлиқ аниқлаб олдилар. Айни шу воқеа муносабати билан Ўзбекистонда НАТОнинг яқинда бўлиб ўтган йилгида яна шундай дедилар: «2001 йил 11 сентябрдаги ғожеа юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини қисқача баён этишга ижозат бергасиз».

Биринчидан, 2001 йил 11 сентябрдаги ғожеали воқеалар ҳамда дунёнинг турли бурчакларида терроризмнинг долзарблигини кўпгина давлатлар раҳбарлари натижада бегуноҳ одамлар қурбон бўлиши, ушбу дахшатли таҳдиддан бирон-бир мамлакат ўзини бо-хавотир сезолмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлди».

Аммо муаммонинг нақадар муҳим бўлишига қара-масдан, унга жиддий эъти-бор бермаётганлар, ҳатто уни ўз фойдасига талқин қилаётганлар ҳам топил-моқда.

Айни шу фикримизга та-рихдан бир мисол келти-райлик. Болтиқбўйи мам-лакатлари большевиклар даҳоси Ленинни ҳам жуда-жуда қизиқтирган. Яъни йигирманчи йиллардаги агар-тўнтар пайтда Бол-тиқбўйида ҳам сиёсий-иж-тимий номуътадиллики келтириб чиқариб, ундан ўз манфаати учун фойда-

ланмоқчи бўлган. «Доҳий-нинг яқин йилларга сир-саклини келтирган архив ҳужжатларида қайд қилини-шича, шундай буйруқ бўлган: «Латвия ва Эстонияга мах-фий равишда одамлар юбо-рилсин. Улар маҳаллий ман-сабдорлардан 100-1000 та-сини осилсин-отилсин. Ҳар-бир осилган, отилган одам-ушун 100000 рубдан берил-син».

Мана сизга террор, тер-рорнинг ташкил қилиш ва унинг «лойқа суви остида-балиқ тутиш».

Бу террорнинг бир тури бўлса, унинг букаламундек

бошқа турлари ҳам кўп. Мана яна бир мисол. Турк-фронт кўмондонлигининг 1922 йил 19 сентябрда чи-қарган буйруғи: «Маҳаллий аҳолидан фалончилар бизга (аниқ исм-фамилиялари бе-рилган) бўйсунмаганлиги учун ушбу буйруқ аҳолига эълон қилинсин. Буйруқ эълон қилингандан 48 соат ўтиши билан улар қуролла-рини топширмаса, рўйхатда эълон қилинганларнинг ҳар-бирининг беш қариндоши-отиб ташлансин ва уй-жой-лари бузиб ташлансин. Энди ҳеч қандай шафқат, юмшоқ-кўнглилик қилинмайди».

Қарабсизки, террор ва террорчилик инсоният учун янглик эмас. Фақат 11 сентябрдаги самолётлардан фойдаланиб ҳужум қилиш-лари унинг янги шакли, холос.

Кўпинча террор қутилма-ганда содир бўлади. Унинг дахшати ҳам шунда. Ёки Ле-ниннинг 1920 йили Крестин-скийга юборган топшириғи-га қаранг. У шундай ёзади: «Зудлик билан чоралар кўриш комиссияси эълон қилинсин. Махфий террор тайёрлансин, зудлик билан. 100 нафар қулоқ осилсин. Уларнинг номлари эълон қилинсин, мол-мулки мусо-

дара қилинсин. Кечаги те-леграммага биноан гаров-дагилар белгилансин». Яна бир муаммо, одатда террор нафақат давлатнинг ичида, қолаверса кўшни ёки бошқа бир давлатнинг манфаатла-ри билан ҳам алоқадор си-фатида намоён бўлади.

Террорчилик аслида қотилликлар билан боғлиқ. Қотиллик эса, жиноятнинг энг дахшатлиси бўлиб қола-веради. Биз бу жойда тер-роризм кўп ҳолларда бегу-ноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлишини ҳисобга ол-сак, унинг асл қиёфасини оча бошлаган бўламиз.

Айни шу жойда айтиш ло-зимки, терроризмнинг қиёфаси, совуқ башараси ўта ранг-баранг. Унинг со-вуқ қиёфасини очиб, маъ-лум ҳолларда зарур ва те-гишли чораларни кўриш, бизнинг Жиноят кодекси-мизнинг 155-ва бошқа те-гишли моддаларида белги-ланган.

Маълумки, тугалликнинг чегараси йўқ. Демокримиз-ки, нафақат бизнинг Жино-ят кодексимиз ва унинг тер-роризмга бағишланган мод-даси, бошқа давлатларнинг бу борадаги қонунларини ҳам тугал деб бўлмайди.

Айни шундай ҳолни АҚШ ва уларнинг 11 сентябр-дан кейин бирканча те-гишли қонунларни зудлик билан қабул қилганликлари-дан кўрса бўлади.

Биз юқорида терроризм-нинг букаламундай баша-раси кўпчилигини айтиб ўтдик. Ушбу фикрга тўхта-лар эканмиз, ҳозир ҳам жаҳондаги баъзи давлат-ларда сўз терроризмининг ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Агар тарихимизга назар ташласак, собиқ Ит-тифок даврида сўз терро-ризми аҳолига нисбатан ва аиникса, унинг про-грессив фикрдаги инсон-ларга нисбатан кенг қўлланганини кўрамиз.

Масалан, Қодирнинг отилиши унинг ота-шин сўзига нисбатан террор эди. А. Сахаровнинг ми-нбардан қувилиши, залнинг ҳўштак қалиб шовқин кўта-риши сўнги бошқаруви-ларнинг уюштирган сўз террори эди. Ушбуларни мушоҳададан ўтказар эканмиз, террорнинг ҳар бир қиёфаси муҳим бўлибгина қолмай, унинг ҳали ёритилмаган исқирт қиёфалари ҳам кўпчилигини унутмаслик керак.

Маълумки, жисмоний ўлимдан маънавий ўлим дахшатлироқ бўлади. Шундай экан, жаҳонда ҳали сўз террори ҳам ав-жидан тушмаганини унут-майлик.

Махмуд ЙЎЛДОШЕВ.

Миллат шаъни

БИР ВАРАҚДАГИ «ЖИНОЙИ ИШ»

ёки собиқ марказнинг тажовузкор генералларидан миллат шаъни, ҳукуқини ҳимоя қила олган терговчи хусусида

Сиз билан ҳар кун саломлашиб ўтадиган ин-соннинг ҳақиқий қиёфасини пайкаб этишининг учун баъзан бир умр камлик қилади. Баъзида эса нотаниш одамни ҳам ўз маврида айтган бир оғиз сўзи туфайли осонгина таниб оласиз. Ва ҳаёт қийинчиликлари, ҳақсизлик, адолатсизликлар-ни енгиб ўтишда шундай қишқик бемалол суяниш мумкин, деган хулосага келасиз. Самарқанд ви-лоят прокуратура органларида узоқ йиллардан бўён сидқидил ишлаб келатган терговчи Абду-сало Облокуловнинг ҳаёт таърибаси бунга ми-сол бўла олади.



... Ушунда терговчининг қайсарлиги мар-каздан ташриф буюрган генералга ёқмади. Юз кишимиз, икки юз кишимиз-ҳаммасини тер-говга тортиб қамайсан, деб қатъий талаб қўйган эди у. Терговчи эса генерал тўтказ-ган бир варақлик «дело» билан танишиб иш кўзгаб бўлмаслигини, қонун тафтишини, гу-воҳлар кўргазмаларини, юзлаштиришларни, жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқ-лашни талаб этишини генералга яна бир кар-ра эслатди.

— Коммунистмисан? Бу — партия топши-риғи! Қолган масалалар тергов даврида ҳал бўлаверадилар, — деди «марказ» вакили.

«Пахта иши» бўйича «марказ»дан келган вакилнинг кўрсатмасини наинки бажармас-лик, лоақал муҳокама қилиш учун ҳам журъ-ат керак эди, ўшада. Сўзсиз итоткорлик, партиявий интизом муҳитида яшаб, ҳақиқат-ни талаб қилиш қийин эди. Ахир бир мар-талик эҳтиёсизликдан бутун умр ҳаёт кўри-шинг, обрў-эътибордан ажралишинг мумкин. Энг ёмони — сенинг ўзинг ҳам жиноятни яширишда, жиноятчилар билан шерикликда айбоб қилинсан-чи?

Самарқанд вилоят прокуратураси тергов-группи раҳбари Абдусало Облокулов ўша-да ҳақиқатга тик қараш учун ўзида куч, журъ-ат топа олди. Вилоятдаги пахта тозалаш за-водларидан биридаги раҳбар-мутахассис-ларнинг «марказ» вакили томонидан бир ва-рақлик «дело»да гумон қилинган қўшиб ёзишларга алоқадорлиги ўз исботини топа-ди. Терговчининг хулосаси туфайли 150 ки-ши ноҳақ жазога тортилишдан сақлаб қолинди.

— Инсон ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги, виждон амрига бўйсуниб яша-ши керак, — деб хотирлайди Абдусало Об-локулов — «Пахта иши» бўйича Пахтачи ту-манидаги машҳур ҳўжалик раиси Шамсиз На-заров устидан жиноий иш кўзгаб ўтган топ-ширик берилган эди. Лекин деҳқончилик-нинг миридан сиригага биладиган, бир умр ҳалол яшаб келган, гирромликдан ҳазар қиладиган инсонни жиноятчи деб ҳисоблаш мумкинми?

Ҳўжаликда ўтказилган тафтиш яқунлари бўйича республиканинг ўша пайтдаги бош-прокурори Бутурлини ишонтиришга, Назар-овнинг айбсизлигига оид ўнлаб далил-ис-ботларни тақдим этишга тўғри келди. У киши барпо этган мактаб, боғчаларни, лимонзор-ни кўрсатди. Шунда у бизнинг узоқ ва ма-шаққатли текширувларимиз натижасига бе-парво қўл силтаб, «майли, бу гал тергов адашибди» деб қўя қолди. Унинг учун раис аслида жиноятчи бўлиб бегуноҳми, бари-бир эди.

Абдусало Облокулов нега яқин ўтмиши-миздаги бу воқеаларни бот-бот эслайдилар? Эркин фуқаролик жамиятида қонунлар ин-сонни асоссиз шўбха-гумонлар билан жа-золаш учун эмас, унинг қадр-қимматини, шаъни, ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун йўнал-тирилган бўлиши керак! Зеро қонун, адолат хира торган жойда жамиятга нисбатан ишонч, эътибор сусаяди.

Терговчи ўзининг прокуратура органла-ридаги 33 йиллик меҳнат фаолияти даво-мида адолатни ёқлаб келмоқдаки, унинг са-мимийлиги, бурчиға садоқати, ҳозирхаб-лиги кўплаб касбдорлари учун чинакам на-мунадир. Терговчи олий маълумотли ҳуқуқшунос, кўп йиллик мутахассис бўлиши мумкин. Лекин у инсон тақдири олдида масъулият ҳис этмаса, енгил-елли хулоса-лар чиқарса қонун учун бегона бўлиб қола-веради.

— Боғишамол туманида анча вақт илгари галати қотиллик содир бўлганда, — деб эс-лайди Абдусало Облокулов. — Йўл чети-дан бир аёлнинг мурдаси топилди. Экс-пертиза хулосасига кўра уни қийнаб ўлди-ришгани маълум. Тезкор гуруҳ тузилиб, да-роҳ қотил изидан тушди. Қаранг-ки биз сўраб-суриштиришлар билан овора бўлиб турганимизда қотил ўз оёғи билан ҳузури-мизга қилиб келди. Тагин бир эмас, икки нафар қотил. Улардан бири, ўлдирилган аёл-нинг эри — «хотиним енгил-елли бўлганлиги учун мен шу ишни қилдим» деса, яна бир гумондор-такси ҳайдовчиси «у менинг жа-маним эди, бошқалар билан бўлиб, мени унутиб қўйгани учун аёвсиз жазоладим» деб кўргазма беришди. Қизик ҳолат. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзларини айбдор деб қонун қўлига топширишгапти. Ўз ихтиёрлари бил-лан. Ишонми мумкинми? Бу жиноятдан кей-инги сидқидил пушаймонлиги!

Аслида қонун бундай «пушаймонлик» ёки «ҳақуёлик»дан ташқари аниқ далиллари ҳам талаб этади. Тезкор гуруҳ қидируви-давом эттираверди. Воқеа содир этилган жойдан янги-янги ашёвий далиллар тўплан-ди. Ниҳоят қотил мутлақо бошқа киши бўлиб чиқди...

Адолат тантана қилиши учун қонуншунос қилин қирқ ёриб бўлсада воқеа сабаблари-ни аниқлаш, ҳақиқатнинг тағига етиши ке-рак. Абдусало Облокуловнинг прокурату-ра идоралари ишини ташкиллаштириш бо-расидаги таърибаси Республика Проку-ратураси ҳайъати томонидан маъқуланиб ўрганиш, қўлланши учун барча шаҳар ва ту-манлар прокуратураларига тавсия этилгани бежиз эмас.

Абдусало ака узоқ йиллар турли лаво-зимларда самарали меҳнат қилди. Боғиша-мол ва Ўзбекистон туманларида прокурор, Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбо-сари, Навоий ва Самарқанд вилоят проку-ратуралари тергов бошқармаси бошлиғи ла-возимларида ишлаб, қонунчиликни мустақ-камлашга муносиб улуш қўшди.

Бугун у олтимиш ёшга қадам қўйди. Аммо вужудига ёшларга хос гайрат-шижоат. Қасб этганини тутаётганларга билим, таърибамни ўргатсам, дейди. Шу боис ҳозир Боғиша-мол туман прокурорининг катта тарбиячи-си, вилоят прокуратураси қасаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимларида ишлаб олқ-и қозонмоқда. Унинг таърибасини олган шоғирдлари эса прокуратура идораларида масъул лавозимларда фаолият кўрсатиш-моқда.

— «Пахта иши» давридаги алғов-далғовли воқеалар ортда қолди, — дейди Абдусало Облокулов. — Энди мамлакатимиз ҳам, қонун-ларимиз ҳам мустақил. Қонунчилик, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар инсон манфаатлари-ни кўзлаб амалга оширилмоқда. Шундай ша-роитда бизнинг вазифамиз қабул қилинаёт-ган ҳар битта қонуннинг моҳиятини халқ ўр-тасида тарғиб этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий са-воҳонлигини оширишга қўмақлашадиган ибор-ат. Ахир жамиятга ҳўрмат-ўнинг қонунлари-га нисбатан ҳўрматдан бошланади.

Миллат шаънини эътиқодли, миллатига, юртига эътиборли кишилар ҳимоя қила ола-ди. Улар шундай яшашга, таҳликали сино-ларни енгиб, ҳақиқатга тик қарашга ода-тланишган. Улар биз билан ёнма-ён, биз бил-лан ҳамнафас, бизнинг замондошимиз!

Адолат ҲАМРОКУЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
юрисст.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз муҳбири.



Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари истеъмол бозорига четдан ноқонуний мол-махсулотлар олиб қилинишига қарши изчил чоралар кўрмоқдалар. Қисқа вақтда божхона пост-лари орқали ва турли йўллар билан вилоят ҳудудига гайриқонун-ий олиб ўтилмоқчи бўлган 328 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Уларнинг асосий қисми давлат ҳисо-бига мусодара қилинди. Божхоначилар бу билан қиёфаланиб қо-май, истеъмол бозорини сифатсиз мол-махсулотлардан ҳимоя

қилиш бўйича фуқаролар ўртасида зарур тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Постларда вилоят ҳудудига ноқонуний олиб қилинаётган чет эл моллари йўлга ишончи тўсиқ қўйилган.

2. Божхона бошқармаси бошлиғи Болтабой Турдиев бошқар-ма ходимлари Илхом Тешаев ва Низомир Пирманов билан гапдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

«АДАШГАН» КАМАЗЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Ҳайрулла Тургунов билан Хусниддин Тоиров ҳамқишлоқ. Қўйичирчиқ туман Улутбек номи ширкат ҳўжаликдаги Ғаллаботор қишлоғида истиқомат қилиш-ди. Икки дўстнинг бебиллиса пул дардида қирмаган эшиги қолмаган. Охири пахта чигитидан яширинча ёғ олиб сотишни қасб этдилар. Шу мақсадда қўлбола цехлар ташкил этиб, ўғиринча йўллар билан чигит ғаллашга киришдилар.

Лекин қонда бизиз ётмаганидек, ҳамқишлоқлар тайёрлаётган ёғ ҳиди ҳам димоққа урилмай қолмади. Қўйичирчиқ туман Давлат солиқ инспекцияси ходим-лари ўтказган рейдлар давомида ҳар иккала яширин цех бирин-кетин фоти бўли-ди. Биринчи кун солиқчилар Ҳайрулла Тургуновнинг хонадонини кўздан кеңиб, яширин цехдан сотувга тахт қилиб қўйилган 108 килограмм пахта ёғи, 1200 килограмм кунжара ва мойжуз ускунасини далилий ашё сифатида олдилар. Эртаси кун улар қутулмаганда Хусниддин Тоировнинг яширин цехида пайдо бўлдилар. Цехдаги уюм-уюм кунжаралар, ювқисиз идишлар, мойжуз ускунаси бу ерда чигитдан пахта ёғи олиб келинганлигини тасдиқлаб турарди. Яширинча йўллар билан мойжуз дегаителлига уланган электр симида ток бор эди.

Солиқ хизмати ходимла-ри билан бирга келган ту-ман электр тармоқлари корхонаси мутахассислари ёғ ишлаб чиқариш учун сарф этилган электр энер-гияни қайта ҳисоблаб чи-қиб, сохта тадбиркор дав-латга 234,9 миң сўм зар-рар етказганлигини аниқла-дилар ва тўлов қозонини тақдим этдилар. Ҳар икка-ла ҳолат бўйича расмий-лаштирилган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман прокуратураси ҳу-зурида солиққа оид жино-ятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Туман солиқ хизмати хо-димлари Вазири Махкам-асининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзе-бекистон Республикаси ҳуду-дида товарлар олиб кели-нишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси-ни таъминлаш бўйича ҳам самарали рейд ва тек-ширувлар ўтказмоқдалар. Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ўтка-зилган шундай рейдлар-нинг бирида Навоий вило-яти Навоий тумани Бобур

номли жамоа ҳўжаликда ис-тиқомат қилувчи Ўткир Ҳаитов ва Бобур Шокиров бошқарувидаги иккита КамАЗ автомашинаси «Кўкча» йўл патрул хизмати масканида тўхтатилди. Машиналар юк-хонасига салкам 20 тонна йодланмаган туз ортилган эди. Конимех қонидан қазиб олинган бу тузлар ҳайдов-чилардаги ҳўжжат бўйича Наманган вилояти Чуст шаҳ-рига элтиб берилиши керак эди. Лекин машиналарнинг бу томонларга «адашиб» ке-либ қолиши солиқчиларда шўбха уйғотди. Улар текши-рувни чуқурлаштириб ҳай-довчилар қўлидаги шартно-ма ҳам, ҳисоб фактуралари ҳам қалбаки эканлигини дар-ров аниқладилар. Тузлар да-лилий ашё сифатида олинди ва тузилган ҳўжжатлар туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди. Ушбу ҳолат юза-сидан ҳозир суриштирув иш-лари олиб борилмоқда.

Ангрен шаҳар давлат со-лиқ инспекцияси, ички иш-лар бўлими ва прокуратура ходимлари ҳамкорликда

ров бўшашиб тушди. Чунки ёғида сақичларнинг ҳўжжати ҳам, эгаси ҳам йўқ эди. 200 миң сўмга Тошкентдаги но-маълум шахсга етказиб бе-ришга келишган эди, холос. Наҳора, омад чопмади. Кин-гир ишининг қийини Андижон-дан Тошкентга етмаёқ чиқ-ди-қўйди. Хасанбой беш пан-хасини оғизга тикмаганида терговчининг олдида тергов бериб ўтирмасди, бола-чақ-сининг баргига ўз вақтида қайтарди.

Тошкент вилоятининг бошқа шаҳар ва туманла-рида ҳам Президент фармон-лари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш йўли-да қизгин кураш кетаяпти. Шу жараёнда кўпгина ҳуқуқбузарлар сув юзига қал-қиб чиқаяпти. Яқинда Тош-кент тумани «Гулистон» киш-лоқ фуқаролар йиғинида ис-тиқомат қилувчи фуқаро Му-ҳаббат Каримов Вазирилар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзебеки-стон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»-ги қарори талабларига зид равишда чет элларда ишлаб чиқарилган 13,5 миллион сўмлик ноозик-овқат махсу-лотларини яширин йўллар билан олиб келатган пайт-да қўлга тушди. Қарорнинг 3-бандида «...жисмоний шах-слар томонидан олиб келин-ган товарларни сотиш товар-ларнинг Ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудига олиб кири-лганлигини ва божхона тўло-лари тўланганлигини тасдиқ-ловчи ҳўжжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади» деб очик-ойдин ёзиб қўйилди. Сохта тад-

биркор шу талабга амал қилмаганлиги учун далолат-нома тузилиб, товарлар вақтинча олиб қўйилди ва суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Худди шундай ҳолат Пискент туманида ҳам юз берди. Туман солиқ хизма-ти ходимлари ҳуқуқни му-ҳофаза этувчи идоралар-нинг ходимлари билан ҳам-корликда жойларда Вазир-лар Маҳкамаси қарорлари қандай бажарилаётганлиги-ни текширувдан ўтказишга-ган пайтда Хоразм вило-яти томон йўл олган «КамАЗ» автомашинаси ушланди. Унинг юкхонаси-га сохта тадбиркор Қосим Абдуллаевга тегишли бўлган 19 миллион сўмлик ҳўжжасиз ноозик-овқат махсулотлари юкланган эди. Шу рейд давомида ҳўжжасиз ва сифат серти-фикатисиз 7,5 миллион сўмлик ноозик-овқат махсу-лотларини Самарқанд ви-лояти Ўргут туманига олиб келатган яна бир «КамАЗ» автомашинаси ҳам солиқ-чилар қўлига тушди. Ҳар икки ҳолат юзасидан тўплаган материаллар тегишли чора кўриш учун қонуний идораларга юбо-рилди.

Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари ўз постларида ҳўшёр туриб сохта тадбиркор ва тижо-ратчиларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига чек қўймоқдалар. Одамларни тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилишга ундамоқдалар.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати бош
мутахассиси.



• Пирӯ бадавлат отахон билан онахон бухтӣр неваралари даврасида. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

